

рия органлари фаолиятини услубий таъминлаш;

- назорат ва бухгалтерия органлари фаолиятининг янги стратегик йўналишларини белгилаш;
- молиявий назоратнинг халқаро тажрибасини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш;
- молиявий назоратнинг янги усуллари, шу жумладан, самарадорлик аудитини жорий этиш;
- назорат ва бухгалтерия органлари амалиётга молиявий назоратнинг янги усуллари жорий этиш учун юқори малакали кадрлар

тайёрлаш ва экспертлар тизимини шакллантириш;

- назорат ва бухгалтерия органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ишончли усуллари ишлаб чиқиш. Бу вазифаларни ҳал қилиш ташқи молиявий назоратнинг ягона самарали тизимини яратиш, мақсадлар, тамоийиллар, вазифаларнинг бирлигини белгилайдиган ташқи давлат ва муниципал молиявий назорат органлари фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш стратегиясини шакллантириш имконини беради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Андрюшин С. Общегосударственный финансовый контроль. // Экономика. 2015. № 6. – С. 64-71.
2. Александрова Е.И. Совершенствование организации финансового контроля. // Финансы и кредит. 2014. № 22. С. 14-22.
3. Бровкина Н.Д. Основы финансового контроля. Учеб. пособие. – М.: Магистр, 2014. – 318 с.
4. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар (ўқув қўлланма). / Тошкент молия институти. – Т., 2007.
5. Волков А.Ю. Финансовый контроль как категория. // Статистика и экономика. 2014. №. 6. – С. 28-34.
6. Грачева Е.Ю. Финансовый контроль. – М.: Финансы, 2016. – 203 с.
7. Пенчук А.В. Государственный финансовый контроль в Российской Федерации и направления его совершенствования. // Концепт. 2014. №. 7. – С. 72-79.
8. Родионова В.М. Финансовый контроль. – М.: Инфра-м, 2016. – 173 с.
9. Румянцев А.В. Финансовый контроль: курс лекций. – М.: Дело. 2017. – 144 с.
10. Столяров Н.С. Финансовый контроль в системе стратегического управления социально-экономическим развитием России (теория и практика). – М.: Союз, 2006. – 146 с.
11. Фадейкина Н.В. Финансовый контроль в сфере государственного сектора экономики. – М., 2017. – 138 с.
12. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 01.01.2014.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6300-сонли фармони 1-илоvasи.



СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ СОЛИҚ БАЗАСИГА ТАЪСИРИ МАСАЛАЛАРИ

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a32

Халикчаева Садокат Илхомжоновна -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”
илмий –тадқиқот маркази докторанти

Аннотация. Мақолада солиқларнинг давлат бюджет даромадларини шакллантиришдаги асосий манбаи сифатида эътироф этилишига, 2022 йил солиқ қонунчилигидаги қатор ўзгаришлар ва берилаётган имтиёзларнинг солиқ базасига таъсирининг таҳлили, унинг хусусиятлари, қолаверса, солиқ солиш базасига таъсир этувчи омилларнинг ўзига хос жиҳатлари, солиқ базасини кенгайтишига ёхуд қисқаришига олиб келувчи сабаблар хусусида сўз юритилади.

Калит сўзлар: солиқлар, иқтисодиёт, солиқ сиёсати, тараққиёт стратегияси, даромад, солиқ базаси, солиқ кодекси, солиқ имтиёзлари.

ВОПРОСЫ ВЛИЯНИЯ ИЗМЕНЕНИЙ НАЛОГОВОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА НА НАЛОГООБЛОЖЕННУЮ БАЗУ

Халикчаева Садокат Ильхомжановна -
Докторант Научно-исследовательского центра
«Научные основы и проблемы экономического развития Узбекистана»
Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация. В статье анализируются признание налогов основным источником доходов государственного бюджета, ряд изменений в налоговом законодательстве в 2022 году и влияние льгот на налоговую базу, ее особенности, а также факторы, влияющие на налоговую базу, причины для расширения или уменьшения налоговой базы.

Ключевые слова: налоги, экономика, налоговая политика, стратегия развития, доход, налоговая база, налоговый кодекс, налоговые льготы.

Khalikchaeva Sadokat Ilkhomjanovna -

Doctoral student of the Research Center

"Scientific bases and problems of economic development of Uzbekistan" at the Tashkent State University of Economics

Annotation. The article analyzes the recognition of taxes as the main source of state budget revenues, a number of changes in tax legislation in 2022 and the impact of benefits on the tax base, its features, as well as the factors affecting the tax base, the reasons for expanding or reducing the tax base. the word is referred to.

Keywords: taxes, economy, tax policy, development strategy, income, tax base, tax code, tax benefits.

Кириш. Маълумки, иқтисодиёт эркинлашуви шароитида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар давлат бюджетининг асосий даромад манбаи саналади. Мамлакатимизда ҳам солиқларнинг ҳиссаси давлат бюджетиди 2020-2021 йиллар макроиқтисодий кўрсаткичларига асосланиб айтсак, 95 фоизни кўрсатмоқда. Чуқур мулоҳаза қилсак, айти кунларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини изчил амалга ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизациялаш, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш айти пайтдаги долзарб масаласидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид давлат дастурига асосан, миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш, давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда[1].

Солиққа тортиш жараёнининг муҳим босқичи солиқ базасини аниқлаш тартибидир, яъни солиқларнинг давлат бюджетига келиб тушишидаги энг муҳим жараён саналиб, бу босқичда солиқ базасини аниқлаш тартибини тўғри ва адолатли ташкил этишда мавжуд муаммоларга дуч келинмоқда. Солиқ базасининг аниқланишига қараб солиқ юки, солиқ тушумлари ҳажми, солиққа оид ҳуқуқий муносабатлар ва шу каби муҳим жараёнлар юзага келади. Бу

жараёнлар эса ўз навбатида, солиқ маъмурчилигига бориб тақалади ҳамда уни мураккаблаштиради. Юқоридаги ҳолатлар эса солиқ базасини аниқлаш тартибининг пухта механизми уларнинг тўғри ва аниқ ҳисобланишига, давлат бюджетига етарли миқдорда келиб тушишига асос яратувчи муҳим манба эканлигини яна бир бор кўрсатиб беради.

Маълумки, солиқларнинг базасига таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири бу давлат солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар ҳисобланади. Бу ўзгаришлар солиқ турлари бўйича айрим имтиёзларнинг қўшимча равишта берилиши, айримларининг бекор қилиниши, солиқ ставкаларининг оширилиши ёки камайтирилиши, баъзи бир солиқ объектлари кенгайиши ёхуд қисқартирилиши(солиқ объектдан чиқариб ташланиши) ва шу кабилар. 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида кўра Солиқ кодексига бир қатор ўзгартиришлар киритилди, бу ўз навбатида, республикаимизда амалда бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни солиқ базасига турлича таъсир қилиши табиий. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу жараённи мазкур мақолада тадқиқот объекти сифатида белгилаб олдик.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Солиқ базаси ҳақида сўз юритар эканмиз, мавжуд солиқ ва йиғимларнинг амал қилиш механизми, давлат бюджетига тушиш миқдори солиқ солиш базасининг ҳажмига, аниқлаш тартибига ва базага таъсир этувчи омилларга бевосита боғлиқлигининг гувоҳи бўламиз. Чунончи, солиқ базаси бу солиқ элементлари орасида энг муҳим аҳамиятли таркибий қисмидир. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги солиқ кодексининг 69-моддасида солиқларнинг элементлари, уларнинг таркиби, мазмуни ва моҳияти батафсил ёритилган. Ҳамда солиқ кодексининг қолган моддаларида ҳам мавжуд ҳар бир солиқ тури бўйича солиқ солиш базасини аниқлаш тартиби аниқ ва изчил ёритиб берилган.

Солиқ базаси ва унга таъсир этувчи омиллар ҳақида ҳамда солиқ базасини аниқлаш тартибининг хусусиятлари хусусида аввало, Н.В. Милияковнинг “Налог и налогообложение” дарслигида “Баъзи ҳолларда солиқ солинадиган база аслида солиқ ставкаси қўлланиладиган солиққа тортиш объектнинг бир қисмидир” дейилган бўлса[2], Н.Е. Смольяниновнинг “Основы теории налогов и налогообложения” номли дарслигида “Солиқ солинадиган база солиқ солиш объектнинг таннархи, жисмоний (табиий) ёки бошқа хусусиятлари ҳисобланади” деган фикр билдирилган[3], шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига[4], қолаверса, маҳаллий олимларимиздан А.Жўраев ва С.Шириновнинг “Солиқ статистикаси ва солиқ прагнози” номли ўқув қўлланмасида солиқ солинадиган база солиқ объектига бир мунча ўхшаб кетиши айтилган бўлса[5], А.В.Ваҳобов ва Т.С.Маликовнинг “Молия” дарслигида эса “Солиққа тортиладиган база(асос, негиз) – унга нисбатан солиқ ставкаси қўлланадиган даромад.

Солиқ тўловчининг ялпи даромадидан амалдаги қонунчилик бўйича тақдим этилган солиқ имтиёзларини чегириш орқали аниқланади” дейилган фикрлар мавжуд бўлса[6], Б.А.Хасанов, А.А.Хашимов, А.Б.Мухаметов, А.А.Абдувоҳидовнинг “Бухгалтерия ҳисоби” каби дарсликларига[7], А.Ҳ.Аюбжонов, У.А.Салиходжаеванинг ўқув қўлланмаларида солиқ базасининг ўзгариши давлат бюджетига келиб тушадиган тушум миқдорига боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган[8]. А.Т. Агзамов[9], Ф.И. Исаев кабиларнинг илмий мақолаларида ҳам солиқ базаси хусусида етарлича фикр мулоҳазалар билдириб ўтилган[10].

Жумладан, С.К.Худойқулов “Молия ва солиқлар” дарслигида “Солиқ базаси солиқ объектнинг қисми бўлиб, у солиқларнинг барча тамойилларини ўзида акс эттириб, солиқ объектидан ҳақиқатда солиққа тортиладиган қисмини аниқлаб беради” дея солиқ базаси ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилганини кўриш мумкин[11]. Қолаверса, И.А.Перонко А.И.Горелко каби иқтисодчи олимлар ҳам “Проблемы формирования налоговой базы на региональном и местном уровнях” номли мақоласида солиқ базаси бўйича тегишлича ўз қарашлари билан ўртоқлашганлар[12].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот методологияси сифатида бутун иқтисодий ҳам-жамият доирасида ҳамда республикамиз солиқ тизимида олиб борилаётган солиқ ислохотлари, малакатимиз Президенти қарор ва фармонларини чуқур ўрганиш давомида анализ ва синтез ва иқтисодий математик усуллар, илмий мушоҳада, маълумотларни гуруҳлаш ҳамда прогноз

лаш орқали назарий таҳлил усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Солиқларни ундириш механизмининг ўзи ҳам солиқларни ундиришга хизмат қилувчи қўшимча қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва солиқларни ундириш жараёнида услубий асос бўлувчи ҳамда амалий ундириш жараёнини таъминловчи мезонлар тизимини яратишни тақозо қилади. Солиққа тортиш жараёнининг муҳим босқичи солиқ базасини аниқлаш тартиби эканлигини эътиборга олсак, бу босқичда солиқ базасини аниқлаш тартибини тўғри ва адолатли ташкил этишда мавжуд муаммоларга дуч келмоқдамиз. Солиқ базасининг аниқланишига қараб солиқ юки, солиқ тушумлари ҳажми, солиққа оид ҳуқуқий муносабатлар ва шу каби муҳим жараёнлар юзага келади.

Бу жараёнлар эса ўз навбатида, солиқ маъмурчилигига бориб тақалади ҳамда уни мураккаблаштиради. Юқоридаги ҳолатлар эса солиқ базасини аниқлаш тартибининг пухта механизми уларнинг тўғри ва аниқ ҳисобланишига, давлат бюджетига етарли миқдорда келиб тушишига асос яратувчи асосий манба эканлигини яна бир бор кўрсатиб беради. Шу жиҳатдан солиқ соҳасидаги баъзи ўзгариш ва имтиёзлар солиқ базасига қай даражада таъсир этишини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2022 йилда юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солиш тартибига киритилган асосий ўзгаришлар тўғрисида [маълумот берди](#)[13].

Биз бу маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида киритилган ўзгартириш ва берилган имтиёзларнинг ҳар бир солиқ тури бўйича солиқ базасига таъсирини кўриб чиқдик ҳамда қуйидаги жадвалларни шакллантирдик.

1-жадвалга таяниб мулоҳаза қиладиган бўлсак, тушумидан қатъий назар, ҚҚС тўловчи корхоналар доираси солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари, аудиторлик ташкилотлари ва нотижорат (шу жумладан бюджет) ташкилотлари ҳисобига кенгайтирилди. Бунда нотижорат ташкилотлари фақатгина тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда ҚҚС тўловчиси ҳисобланади. Ҳамда қишлоқ хўжалиги товар иш-

MOLIYA VA SOLIQLAR

лаб чиқарувчилари ҚҚС тўлаши лозим бўлган эллик гектардан йигирма беш гектаргача суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдони пасайтирилди.

1-жадвал

Билвосита солиқлар бўйича 2022 йилдаги солиқ имтиёзлари ва ўзгаришларнинг солиқ базасига таъсири таҳлили

№	Кўрсаткич	2022 йил учун ўзгартиришлар	Солиқ базасига таъсир даражаси
1. ҚҚС			
1.1	Солиқ ставкаси ва тўловчилар	Солиқ ставкаси 15 % миқдорида сақлаб қолинди ва тўловчилар тоифаси кенгайтирилди.	солиқ базаси кенгайди
1.2	Солиқ бўйича имтиёзлар	Куйидаги имтиёзлар бекор қилинмоқда: жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари хизматлари (бундан бюджетдан молиялаштирилмаган мустасно); қатъий суммада кўрсатиладиган банк хизматлари	солиқ базаси кенгаймоқда
2. Акциз солиғи			
2.1	Солиқ ставкалари	2022 йил 1 январдан сигарет, сигар импортига 10 %га; алкоголь ичимликлари импортига 2022 йил 1 июндан 10 %га; ишлаб чиқариладиган полиэтилен гранулаларига акциз солиғи ставкаси 20 %дан 10 %гача пасайтирилди.	Солиқ тўловчилар сонинг ортиши солиқ базасини сифат жиҳатидан кенгайтиради
2.2	Ягона ставкаларни жорий этиш	Маҳаллий ишлаб чиқарилган ёки импорт қилинганлигидан қатъи назар бензин учун ягона акциз солиғи ставкаси жорий этилди	Янги солиқ базаси пайдо бўлди ва кенгайди
2.3	Солиқни бекор қилиш	Суюлтирилган газга акциз солиғи ставкаси бекор қилинди (амалда 30%)	солиқ базаси миқдор жиҳатдан қисқарди

Манба: <https://buxgalter.uz/publish/doc/text176093> 2022 yilda soliq solishda nima uzgaradi jadvaldan фойдаланиб, муаллиф томонидан мустақил тайёрланган.

Бунда солиқ тўловчилар кўламнинг кенгайтиришдан мақсад – ҚҚС занжирининг узлуксизлигини таъминлаш бўлса, иккинчи томондан солиқ базасини кенгайтиришдир. Шу жумладан, ҚҚС бўйича 2022 йилдан куйидаги имтиёзлар бекор қилинмоқда:

- ✓ жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари хизматлари (бундан бюджетдан молиялаштирилмаган мустасно);
- ✓ қатъий суммада кўрсатиладиган банк хизматлари.

Бундан хулоса шуки, имтиёзларнинг бекор қилиниши солиқ базасини кенгайтирди. Қолаверса, акциз солиғининг солиқ ставкалари 2022 йил 1 июндан ўртача 10 %га индексация қилиниши, маҳаллий ишлаб чиқарилган ёки импорт қилинганлигидан қатъий назар бензин учун ягона акциз солиғи ставкаси жорий этилгани солиқ базасининг кенгайишига олиб келса, суюлтирилган газга акциз солиғи ставкасининг бекор қилингани солиқ базасини қисқартиради.

2-жадвал

Бевосита солиқлар бўйича 2022 йилдаги солиқ имтиёзлари ва ўзгаришларнинг солиқ базасига таъсири таҳлили

№	Кўрсаткич	2022 йил учун ўзгартиришлар	Солиқ базасига таъсир даражаси
1. Фойда солиғи			
1.2	Чегириб ташланадиган харажатлар	Амортизациянинг йиллик энг юқори нормаси оширилди	солиқ базасини қисқартиради
1.3	Инвестициявий чегирма	Янги технологик ускуналар учун йўналтирилган маблағлар суммасига ва ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш учун инвестициявий чегирма миқдори оширилди	солиқ базасини қисқартиради
1.4	Зарарларни келгусига ўтказиш	Келгусига ўтказиладиган зарарларнинг жами суммаси жорий солиқ даври солиқ базасининг 60 %идан ошиб кетмаслиги бўйича талаб бекор қилинди	солиқ базасини қисқартиради
2. ЖШДС			
2.	Солиқ ставкалари	ЖШДСнинг асосий ставкаси 12 % миқдорида сақлаб қолинди, ва солиққа тортилмайдиган даромадлар таркиби кенгайтирилди	солиқ базасини қисқартиради
3. Ижтимоий солиқ			
3.	Солиқ имтиёзи	01.01.2022 дан 01.01.2023 йилга қадар республика туманларида (Тошкент шаҳри бундан мустасно) фаолият юритувчи яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган ижтимоий солиқ ставкаси БХМнинг 50 фоизи миқдорида белгиланди	Имтиёз солиқ базасини сифат жиҳатдан кенгайтиради

Манба: <https://buxgalter.uz/publish/doc/text176093> 2022 yilda soliq solishda nima uzgaradi jadval dan фойдаланиб муаллиф томонидан мустақил тайёрланган.

Юқорида берилган 2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2022 йил 1 январдан фойда солиғини ҳисоблаш мақсадида амортизация қилинадиган активларни тан олишнинг

алоҳида тартиби жорий қилинди. Фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлаш мақсадида амортизация қилинадиган активларга Солиқ кодексда келтирилган мезонларига жавоб бера-

диган асосий восита ва номоддий активлар киритилди, бунда:

- бинолар – 3 %дан 5 %га;
- иншоотлар – 5 %дан 10 %га;
- узатиш қурилмалари, куч машиналари ва асбоб ускуналари – 8 %дан 15 %га;
- фаолият турлари бўйича иш машиналари ва асбоб-ускуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари) – 15 %дан 20 %га;
- компьютер, периферия қурилмалари, маълумотларни қайта ишлаш ускуналари – 20 %дан 40 %га. Амортизациянинг йиллик энг юқори нормасининг оширилиши эса солиқ базасини қисқартиради

Зарарларни жорий солиқ даври солиқ базасининг 60 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда 10 йил мобайнида келгусига ўтказиш бўйича чекловлар бекор қилинди. Бу чекловларнинг бекор қилиниши солиқ базасининг қисқаришига имкон беради.

Шунингдек, солиққа тортилмайдиган даромадлар таркиби қуйидагилар ҳисобига кенгайтирилгани солиқ базасини қисқартиради:

- ёш оила бўлган эр-хотиннинг олган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисоб-

ланган фоизларни тўлашга йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадлар;

- солиқ тўловчининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўқиш учун тижорат банклари томонидан ажратилган таълим кредитларига (фоизлари билан) қоплашга йўналтирилган иш ҳақи суммалари ва бошқа даромадлари;

- солиқ тўловчининг уй-жойларни талабаларга ижарага беришдан олинган даромадлари;

- солиқ тўловчининг солиқ даври давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг 8-бараваригача бўлган миқдордаги халқаро ташкилотларга аъзолик бадаллари ҳамда қайта тайёрлаш ва малага ошириш учун нодавлат таълим ташкилотларига йўналтирилган иш ҳақи суммалари ва бошқа даромадлари.

Бундан ташқари ижтимоий солиқ ҳақида сўз кетганда 01.01.2022 дан 01.01.2023 йилга қадар республика туманларида (Тошкент шаҳри бундан мустасно) фаолият юритувчи якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган ижтимоий солиқ ставкаси БХМнинг 50 фоизи миқдоридан белгиланди. Бу имтиёз солиқ базасини сифат жиҳатдан кенгайтиради.

3 жадвал

Ресурс солиқлари бўйича 2022 йилдаги солиқ имтиёзлари ва ўзгаришларининг солиқ базасига таъсирининг таҳлили

№	Кўрсаткич	2022 йил учун ўзгартиришлар	Солиқ базасига таъсир даражаси
1. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ			
1.1	Янгилик	Ер қаъридан фойдаланувчилар учун рента даромад солиғи жорий этилди.	Янги солиқ базаси пайдо бўлди
1.2	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини пасайтириш	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари баъзи тармоқлар учун пасайтирилди.	Солиқ ставкаларининг қисқариши ҳисобига солиқ тўловчилар сонинг ортиши солиқ базасини сифат жиҳатдан кенгайтириши мумкин
3. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ			
3.1	Солиқ ставкалари	Солиқнинг асосий ставкаси 2 %дан 1,5 %га камайтирилди.	
3.2	Солиқ базаси	Бинолар бўйича солиқ базаси миқдорлари 1 кв.метр учун мутлақ қийматда белгиланган минимал қийматдан паст бўлиши мумкин эмаслиги талаби жорий этилди	Солиқ базаси кенгаймоқда
3.3	Солиқ бўйича имтиёзлар	Янги нефть ва газ қудуқларини, фойдаланишга топширилган ойдан бошлаб, дастлабки 2 йил давомида солиқ тўлашдан озод қилинди	Солиқ базаси қисқармоқда
4. Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи			
4.	Солиқ имтиёзи	Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғидан озод этилди	Солиқ базаси қисқаради

Манба: https://buxgalter.uz/publish/doc/text176093_2022_yilda_soliq_solishda_nima_uzgaradi_jadval дан фойдаланиб муаллиф томонидан мустақил тайёрланган.

3-жадвал, яъни ресурс солиқлари бўйича 2022 йилдаги солиқ имтиёзлари ва ўзгаришларининг солиқ базасига таъсири таҳлилига назар ташласак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 октябрдаги ПФ-6319-сон фармонида мувофиқ Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг капитал харажатларини ҳисобга олган ҳолда янги конларда нефть, табиий газ, газ конденсати, қимматбаҳо, рангли, нодир ва

радиоактив металларни қазиб олишни амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчилар учун рента даромади солиғи жорий этилди[14]. Бу янги солиқ базаси пайдо бўлди дегани. Солиқ инвестиция киритилганда, металлар ёки углеводородни сотишдан олинган даромад ва уларни қазиб олиш (ажрати олиш) билан бевосита боғлиқ харажатлар чегирилган ҳолда 3 йилдан кейин тўланади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқда эса солиқ базаси бинолар бўйича солиқ базаси куйидаги миқдорларда 1 кв. метр учун мутлақ қийматда белгиланган минимал қийматдан паст бўлиши мумкин эмаслик талаби жорий этилди:

- Тошкентда – 2,5 млн сўм;
- Нукус ва вилоятлар марказларида – 1,5 млн сўм;
- бошқа ҳудудларда – 1 млн сўм.

Бу ўзгаришдан кўзланган мақсад – солиқ базасини камайтириш ва яширишни истисно қилишдир.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 октябрдаги [ПФ-6319-сон](#) фармонида мувофиқ янги нефть ва газ қудуқлари фойдаланишга топширилган ойдан бошлаб, дастлабки 2 йил давомида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан озод қилинди. Кейинги 3 йилда солиқ ставкасининг 50 %ига камайтирилган ставка қўлланди[14]. Бу имтиёз замирида солиқдан озод қилиш ва ставкаларнинг қисқариши ҳисобига келажакда солиқ тўловчилар сони ортиши солиқ базасини сифат жиҳатидан кенгайтириши мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулосага келиш мумкинки, солиқ базасига таъсир этувчи омиллар турлича бўлиб, улар ўз хусусиятига кўра солиқ базасини миқдор ёхуд сифат жиҳатдан кенгайтириши ҳамда қисқартириши мумкин. Ўз навбатида, солиқ базаси ҳам солиқ тўловчилар фаолиятига бевосита таъсир кўрсатувчи омил саналиб, унинг кенгайтириши ёки қисқариши солиқ тўловчилар миқдорига тўғридан-тўғри таъсир кўрса-

тади, шунингдек, давлат бюджетига келиб тушиши, тушум миқдори ўзгаришига тўғри пропорцияда боғланган. Қолаверса, солиқ базасига таъсир этувчи омиллар хусусиятлари, уларнинг ўзига ҳос жиҳатларини ўрганар эканмиз, бу омиллар аниқланувчи солиқ базасига функционал ёхуд нофункционал боғланишларга эга бўлиши мумкин экан. Жумладан, солиқ тўловчи тадбиркорлар, хўжалик юритувчи субъектлар сони ортиши, жами даромад миқдори ошиши, реализация қилинган маҳсулот, товар, иш ва хизматлар баҳолари ва бирлиги ошиши солиқ базаси кенгайтиришига тўғри пропорционал боғланишда бўлса, мавжуд солиқдан берилган имтиёзлар, солиқ базасига киритилмайдиган даромад ва харажатлар миқдори ошиши тескари пропорцияда боғланганлигини кўриш мумкин.

Хулоса тариқасида айтиш мумкинки, солиқ базасига солиқ қонунчилигида киритилган баъзи ўзгаришлар ва берилаётган имтиёзлар таъсири бениҳоя катта ҳамда муҳимдир.

Хусусан, илгари сурмоқчи бўлган таклифимиз шундан иборатки, солиқ базаси қанчалик кенг бўлса, унга қўлландиган солиқ ставкаси миқдори шунчалик паст, аксинча солиқ базаси қанча кичик бўлса, солиқ ставкаси даражаси шунчалик юқори бўлиши лозим. Зеро, бу каби тажриба дунёнинг кўплаб иқтисодиёти ривожланган давлатлари миқёсида кенг қўллаб келинади ва ўз натижасини берган. Яъни, бу жараён бевосита давлат бюджетига солиқли тушумлар миқдори сезиларли даражада ошишига асос яратувчи асосий манба сифатида хизмат қилишида мақолада келтирилган юқоридаги таклифимиз муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони.
2. МИЛЯКОВ Н.В., *Налози и налогооблажение: Учебник. - 5-е изд., перераб. и доп. - М.: ИНФРА-М, 2006. - 509 с.*
3. Смольянинов Н.Е. *С 51 Основы теории налогов и налогообложения: учеб. пособие / Н.Е. Смольянинов; Уфимск. гос. авиац. техн. ун-т. - Уфа: УГАТУ, 2008. - 107 с.*
4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси: -Т.: «Юридик адабиётлар публш», 2020 й. – 624 б.
5. Солиқ статистикаси ва прогнози: Ўқув қўлланма / А.Жўрайев, С.Ширинов. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2015. - 392 б.
6. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. *Молия. Дарслик. -Т.: Тошкент Молия институти: “Ношир”, 2011. – 712 б.*
7. Бухгалтерия ҳисоби: Дарслик/ Б.А.Хасанов, А.А.Хашимов, А.Б.Мухаметов, А.А.Абдувоҳидов;-Т.: «Иқтисодиёт дунёси», 2021. – 992 б.
8. Аюбжонов А.Х., Салиходжаева У.А. *Moliya statistikasi. O'quv qo'llanma, 2019. - 239 b.*
9. Агзамов А.Т. *Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг фискал самарадорлиги “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2019 й.*
10. Исаев Ф.И. *Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилдиган фойдаланишни такомиллаштириш. //Иқтисодиёт ва таълим, 2021 йил, 4-сон.*
11. Худойқулов С.К. *«Молия ва солиқлар»: Дарслик. - Т.: Иқтисодиёт, 2020. - 554 б.(299 бетдан олинган).*
12. Перонко И.А., Горелко А.И. *каби иқтисодчи олимлар ҳам “Проблемы формирования налоговой базы на региональном и местном уровнях” номли мақола.*
13. <https://daryo.uz/k/2022/01/06/2022-yil-uchun-soliq-siyosati-va-tavkalari-nimalar-ozgardi/>.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Геология-қидирув ишларини янада рағбатлантириш ва ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» даги 06.10.2021 йилдаги ПФ-6319-сон фармони.